

ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ТАВСИФИ ВА ТАКРОРИЙ ЖАБРЛАНИШ ХАВФИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Атаназаров Хуршид Наджимович

Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари – ИИБ ҳузуридаги тергов

бошкармаси бошлиғи, подполковник

DOI: 10.5281/zenodo.22701544

ANNOTATSIYA: Мақолада 2023–2024 йиллар ва 2025 йилнинг 11 ойига оид расмий статистик маълумотлар ҳамда ҳимоя ордерлари амалиёти асосида оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахсларнинг виктимологик хусусиятлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда жабрланувчининг ижтимоий-демографик белгиларини зўравонликнинг сабаби сифатида эмас, балки ҳимоя эҳтиёжини белгилашга хизмат қилувчи маълумот сифатида баҳолаш зарурлиги асосланган. Такрорий мурожаат, такрорий ҳимоя ордери, зўравонлик тарихи, қарамлик ва алоҳида ҳимояга муҳтожлик ҳолатларини биргаликда ҳисобга олишга доир таклифлар илгари сурилган.

Kalit so'zlar: оилавий (маиший) зўравонлик, жабрланувчи, виктимология, такрорий жабрланиш, ҳимоя ордери, хавфни баҳолаш, латентлик, алоҳида ҳимояга муҳтож шахс, виктимологик профилактика

Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларини ўрганишда асосий эътибор, одатда, жиноят содир этган шахснинг ҳулки ва жиноятнинг сабабларига қаратилади. Бироқ, мазкур турдаги жиноятларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, айбдор ва жабрланувчи ўртасида кўп ҳолларда аввалдан шаклланган оилавий, яқин шахсий ёки маиший муносабат мавжуд бўлади. Шу сабабли жиноят механизмини тўлиқ англаш учун жабрланувчининг ҳолати, унинг зўравон шахс билан муносабати, ҳимоя имкониятлари ва такрорий жабрланиш хавфини ҳам ўрганиш зарур.

Виктимология фанининг шаклланишида Б. Мендельсон жабрланувчини жиноят механизмининг мустақил иштирокчиси сифатида ўрганиш зарурлигини илгари сурган [1]. Ҳ. Фон Ҳентиг эса жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги ўзаро муносабат, жабрланувчининг ёши, жинси ва ижтимоий ҳолати айрим жиноятларда виктимологик аҳамиятга эга бўлишини кўрсатган [2]. Кейинги илмий тадқиқотларда мазкур ёндашув кенгайиб, жабрланувчининг ҳуқуқий мақоми, ҳимоя ресурслари, жиноят содир этилган муҳит ва такрорий жабрланиш хавфи алоҳида ўрганила бошланди [5].

Миллий тадқиқотларда ҳам виктимологик профилактиканинг мазмуни ва жабрланувчини ҳимоя қилиш механизмларига эътибор қучайган. С.С. Ниёзова шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда жабрланувчининг индивидуал ва ижтимоий хусусиятларини комплекс баҳолаш, хавфли вазиятни барвақт аниқлаш ва профилактика чораларини шу асосда белгилаш

заруратини таъкидлайди [3, 4]. И.Б. Ахмедов хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ҳуқуқий чоралар билан бир қаторда ҳимоя ва ижтимоий кўмак механизмларини ҳам уйғунлаштириш лозимлигини қайд этади [18].

Шу ўринда бир масалага алоҳида ургу бериш зарур. Жабрланувчининг хусусиятларини ўрганиш унга содир этилган зўравонлик учун айб ёки масъулият юклашни аниқлатмайди. Зўравонлик учун жавобгарлик уни содир этган шахс зиммасида қолади. Виктимологик таҳлилнинг вазифаси эса жабрланувчининг ҳимоя имкониятлари қай даражада чекланганини, қандай ҳолатларда хавф такрорланиши мумкинлигини ва қайси ёрдам чораси биринчи навбатда зарурлигини аниқлашдан иборат. Бундай ёндашув жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини устувор қўядиган халқаро стандартларга ҳам мос келади [6].

Оилавий зўравонлик муносабатларида такрорий жабрланиш хавфи бошқа айрим жиноятларга қараганда мураккаброқ намоён бўлади. Жабрланувчи зўравон шахс билан бир хонадонда яшаши, умумий фарзандларга эга бўлиши, иқтисодий ёки маиший жиҳатдан унга боғлиқ бўлиши, яқин қариндошлар босими ёки тузар жой масаласи сабаб муносабатни дарҳол узиш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Шу боис битта мурожаат ёки битта ҳимоя ордери билан хавф тўлиқ бартараф этилди, деган хулосага келиш ҳар доим ҳам тўғри эмас. Зўравонликнинг айрим муносабатларда

такрорланувчи ва босқичма-босқич кучайиб борувчи хусусияти илмий адабиётларда ҳам қайд этилган [12].

Тадқиқотнинг мақсади 2023–2024 йиллар ва 2025 йилнинг 11 ойига оид расмий маълумотлар асосида оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахсларнинг асосий виктимологик хусусиятларини таҳлил қилиш, ҳимоя ордерлари амалиётида такрорий хавфни кўрсатувчи белгиларни аниқлаш ҳамда индивидуал ҳимоя чораларини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Материаллар ва методлар

Тадқиқотнинг эмпирик асосини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2023–2024 йиллар ва 2025 йилнинг 11 ойига оид оилавий (маиший) зўравонлик жиноятлари бўйича расмий статистик материаллари, тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари ҳамда ҳимоя ордерларига оид маълумотлар, ўрганилган жиноят ишлари ва мавзуга доир миллий ҳамда хорижий адабиётлар ташкил этди [7, 8]. Жиноят статистикасида жами 2711 нафар жабрланувчига оид маълумотлар умумлаштирилди.

Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, киёсий-криминологик таҳлил, виктимологик гуруҳлаш, ҳужжатларни мазмунан ўрганиш, умумлаштириш ва мантикий хулоса чиқариш усулларидан фойдаланилди. Жабрланувчиларнинг жинси, ёши, маълумоти ва оилавий ҳолати таҳлил қилинди. Ҳимоя ордерлари бўйича эса мурожаатлар сони, берилган ва такрорий ҳимоя ордерлари, ордер муддатини

узайтириш, зўравонлик содир этилган жой, зўравон ва жабрланувчи ўртасидаги муносабат, зўравонлик тури ҳамда алоҳида ҳимояга муҳтож тоифаларга оид кўрсаткичлар ўрганилди.

Методологик жиҳатдан жабрланувчининг жинси, ёши, маълумоти ёки оилавий ҳолатини виктимланишнинг мустақил сабаби сифатида баҳолашдан сақланилди. Ушбу кўрсаткичлар расмий қайд этилган жабрланувчилар таркибини тавсифлайди, холос. Такрорий хавфни баҳолашда эса аввалги зўравонлик, такрорий мурожаат, ҳимоя ордерининг қайта берилиши ёки муддати узайтирилиши, зўравон шахс билан муносабатнинг давом этиши, иқтисодий-маиший қарамлик ва жабрланувчининг ҳимоя ресурслари муҳим деб қабул қилинди. Бундай ёндашув жабрланувчини формал тоифага киритишдан кўра, унинг аниқ ҳимоя эҳтиёжини белгилашга хизмат қилади [17].

Тадқиқот натижалари

1. Жабрланувчиларнинг ижтимоий-демографик ва виктимологик хусусиятлари

ИИВнинг расмий маълумотларига кўра, 2023 йилда 703 нафар, 2024 йилда 1106 нафар, 2025 йилнинг 11 ойида 902 нафар, жами 2711 нафар шахс оилавий (маиший) зўравонлик жиноятдан жабрланган [7]. Уларнинг таркибини таҳлил қилиш аёллар ва 18–49 ёшдаги шахслар улуши юқори эканини кўрсатди

Кўрсаткич	Асосий тоифа	Сони	Улуши
Жинс	Аёллар	2433	89,7 %
Жинс	Эркаклар	278	10,3 %
Ёш	18–49 ёш	2508	92,5 %
Ёш	Вояга етмаганлар	39	1,4 %
Маълумот	Ўрта маълумотли	1730	63,8 %
Маълумот	Ўрта махсус маълумотли	713	26,3 %

1-жадвал. Оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахсларнинг айрим асосий кўрсаткичлари

Жинс бўйича жами 2711 нафар жабрланувчининг 2433 нафари ёки 89,7 фоизини аёллар, 278 нафари ёки 10,3 фоизини эркаклар ташкил этган. Аёллар улуши 2023 йилда 88,9 фоиз, 2024 йилда 92,4 фоиз, 2025 йилнинг 11 ойида 87,1 фоиз бўлган. Мазкур кўрсаткичлар оилавий зўравонликдан жабрланувчилар таркибида аёллар мутлақ устун эканини кўрсатади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва UN Women маълумотларида ҳам аёлларга нисбатан яқин шерик томонидан содир этиладиган зўравонлик кенг тарқалган муаммолардан бири сифатида қайд этилади [21, 22].

Шу билан бирга, эркак жабрланувчилар мавжудлигини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Уларнинг мурожаат қилиш фаоллиги, оиладаги зўравонликни очик билдиришга муносабати ва латент жабрланиш даражаси алоҳида эмпирик ўрганишни талаб қилади. Dutton ва Corvo оилавий зўравонликни тушунтиришда бир томонлама тасаввурлардан сақланиш, жиноят ва жабрланувчининг аниқ ҳолатини ўрганиш зарурлигини таъкидлайди [9].

Ёш таркибида 31–49 ёшли жабрланувчилар 1393 нафар ёки 51,4 фоизни, 18–30 ёшлилар 1115 нафар ёки 41,1 фоизни ташкил этган. Демак, 18–49 ёшдаги шахслар жами жабрланувчиларнинг 92,5

фоизини ташкил қилади. Бу даврда оила қуриш, фарзанд тарбияси, меҳнат ва иқтисодий масъулият каби муносабатлар фаол кечиши мумкин. Бироқ ёшнинг ўзи жабрланишга сабаб бўлади, деган хулоса чиқариш мумкин эмас. Жинс ва ёш кўрсаткичлари муносабатлар муҳити билан биргаликда баҳолашни лозим. Яқин муносабатларда ҳиссий зўравонликнинг ёш ва гендер билан боғлиқ жиҳатлари хорижий тадқиқотларда ҳам кўриб чиқилган [14].

Вояга етмаганлар 2023 йилда 6 нафар, 2024 йилда 12 нафар, 2025 йилнинг 11 ойида 21 нафар, жами 39 нафарни ташкил этган. Уларнинг умумий кўрсаткичдаги улуши катта бўлмаса-да, болаларга нисбатан оилавий зўравонликнинг ҳар бир ҳолати алоҳида ҳимоя ва идоралараро чораларни талаб қилади. Бундан ташқари, бола бевосита жабрланувчи бўлмаса ҳам, оиладаги зўравонликни мунтазам кузатиши унинг руҳий ҳолати, ҳулқ-атвори, ўқиши ва ижтимоий мослашувида салбий таъсир кўрсатиши мумкин [11].

Маълумот даражаси бўйича 1730 нафар ёки 63,8 фоиз жабрланувчи ўрта, 713 нафар ёки 26,3 фоиз ўрта махсус, 214 нафар ёки 7,9 фоиз олий, 54 нафар ёки 2 фоиз тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган. Оилавий ҳолат бўйича “оилали” тоифаси 2023 йилда

83,1 фоиз, 2024 йилда 81,8 фоиз ва 2025 йилнинг 11 ойида 77,8 фоизни ташкил этган. Ушбу рақамлар расмий қайд этилган жабрланувчиларнинг ижтимоий таркибини кўрсатади. Улар маълумот даражаси ёки никоҳда бўлишнинг ўзи виқтимланишга сабаб бўлади, деган хулосани асосламайди. Жуфтликдаги муносабатлар, иқтисодий шароит ва бошқа омилларнинг ўзаро таъсири хорижий тадқиқотларда ҳам алоҳида таҳлил қилинган [13, 15].

Ш.Т. Аллашованинг оилавий-маиший жиноятлар жабрланувчиларига оид тадқиқотида ҳам жабрланувчининг шахсий ҳолатини оилавий муносабатлардан ажратмаган ҳолда баҳолаш зарурлиги кўрсатилади [19]. Х.Ш. Зиявутдинова эса аёлларга нисбатан зўравонликнинг ижтимоий-психологик хусусиятларига эътибор қаратиб, қарамлик, оилавий муносабатлар ва психологик

босимнинг аҳамиятини қайд этади [20]. Мазкур фикрлар миллий статистик кўрсаткичларни талқин қилишда ҳам муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

2. Ҳимоя ордерлари амалиёти ва такрорий жабрланиш хавфини кўрсатувчи белгилар

Жиноят статистикаси фақат жиноят сифатида қайд этилган ҳолатларни қамраб олади. Оилавий зўравонликка оид профилактик вазиятларни тўлиқроқ баҳолаш учун ҳимоя ордерларига оид маълумотлар ҳам муҳим ахборот манбаи ҳисобланади. Чунки ҳимоя ордери жиноят содир этилганидан кейин эмас, балки таййик ёки зўравонлик хавфи мавжуд бўлган босқичда ҳам қўлланилиши мумкин. Шу маънода ҳимоя ордерлари статистикаси такрорий хавфни барвақт кўриш учун амалий аҳамиятга эга [8].

Кўрсаткич	2023 йил	2024 йил	2025 йил
«102» хизматига мурожаатлар	33 601	40 810	39 764
Берилган ҳимоя ордерлари	40 055	54 757	93 382
Такрорий ҳимоя ордерлари	888	1 453	1 695
Ордер муддатини узайтириш	128	88	238
Низо бартараф этилди	20 873	28 495	47 927
Низо бартараф этилмади	1 251	1 432	1 936

2-жадвал. Ҳимоя ордерлари ва такрорий хавфга оид айрим кўрсаткичлар

«102» хизматига таййик ва зўравонлик билан боғлиқ мурожаатлар 2023 йилда 33 601 та, 2024 йилда 40 810 та, 2025 йилда 39 764 тани ташкил этган. Берилган ҳимоя ордерлари мос равишда 40 055, 54 757 ва 93 382 та бўлган [8]. Ордерлар сонини «102» хизматига тушган мурожаатлар сони билан тўғридан-тўғри қиёслаш тўғри эмас. Чунки ҳимоя ордерини бериш учун фуқаролар ва ташкилотлар хабарлари, ходимлар томонидан аниқланган ҳолатлар ҳамда бошқа материаллар ҳам асос бўлиши мумкин.

Такрорий ҳимоя ордерлари 2023 йилда 888 та, 2024 йилда 1453 та, 2025 йилда 1695 тани ташкил этган. Ордер муддатини узайтириш ҳолатлари эса мос равишда 128, 88 ва 238 та бўлган. Бу рақамлар баъзи ҳолатларда биринчи ҳуқуқий чорадан кейин ҳам хавф сақланиб қолишини кўрсатади. Шу сабабли такрорий ҳимоя ордери ёки унинг муддати узайтирилиши оддий статистик кўрсаткич эмас, балки хавфнинг давом этаётганини аниқлашчи муҳим профилактик белги сифатида баҳолашни лозим. Зўравонликнинг айрим муносабатларда босқичма-босқич такрорланиши ҳақидаги назарий қарашлар ҳам бундай ёндашувни қўллаб-қувватлайди [12].

Ҳимоя ордерлари статистикасида зўравонлик содир этилган жойлар орасида оила муҳити асосий ўринни эгаллаган: 2023 йилда 34 231 та, 2024 йилда 44 158 та, 2025 йилда 77 131 та ҳолат. Зўравон ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатларда энг катта кўрсаткич эр томонидан хотинига нисбатан содир этилган ҳолатларга тўғри келган: мос равишда 26 904, 35 095 ва 57 880 та [8]. Ушбу маълумотлар жабрланувчининг хавфсизлиги фақат жиноят содир

этилган пайтда эмас, кейинги оилавий муносабатлар давомида ҳам таъминланиши кераклигини кўрсатади.

Зўравонлик турлари бўйича руҳий зўравонлик 2023 йилда 23 289 та, 2024 йилда 31 025 та, 2025 йилда 30 695 та; жисмоний зўравонлик эса мос равишда 7744, 5371 ва 14 808 та ҳолатда қайд этилган. Руҳий зўравонлик кўп ҳолларда ташқи тан жароҳати каби аниқ белгилар қолдирмаслиги мумкин, бироқ у шахснинг руҳий ҳолати ва қарор қабул қилиш эркинлигига жиддий таъсир кўрсатади. Оилавий муносабатларда ҳиссий зўравонликнинг аҳамияти хорижий тадқиқотларда ҳам қайд этилган [14].

Ҳимоя ордери натижаларида “низо бартараф этилмади” деб баҳоланган ҳолатлар 2023 йилда 1251 та, 2024 йилда 1432 та ва 2025 йилда 1936 тани ташкил этган. Мазкур кўрсаткични формал ҳисоб сифатида қабул қилишдан кўра, кейинги хавфни қайта баҳолашга асос бўлувчи сигнал сифатида кўриш мақсадга мувофиқ. Агар низо бартараф этилмаган бўлса, жабрланувчи билан зўравон шахснинг бирга яшаши, аввалги таҳдидлар, иқтисодий ёки маиший қарамлик ва бошқа ҳолатлар яна бир бор ўрганилиши керак.

Алоҳида ҳимояга муҳтож тоифалар бўйича ҳам муайян кўрсаткичлар мавжуд. Ҳомиладор аёллар билан боғлиқ ҳолатлар 2023, 2024 ва 2025 йилларда мос равишда 174, 137 ва 111 та, руҳий касаллиги мавжуд шахслар бўйича 17, 11 ва 76 та, ногиронлиги бўлган шахслар бўйича 142, 134 ва 212 та қайд этилган [8]. Бундай тоифаларга нисбатан фақат ҳуқуқий ҳимоя чораси билан чекланиш етарли эмас; психологик, ижтимоий ва зарур ҳолларда тиббий хизматлар ҳам бир вақтнинг ўзида ташкил этилиши лозим.

3. Такрорий жабрланиш хавфини индивидуал баҳолашнинг асосий йўналишлари

Тадқиқот натижалари жабрланувчининг реал хавфини баҳолашда ягона статистик белгидан эмас, бир нечта ҳолатнинг йиғиндисидан келиб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Масалан, аёл жинсига мансублик, маълум ёш ёки маълумот даражаси ўз-

ўздан юқори хавфни англатмайди. Аксинча, аввалги зўравонлик, такрорий таҳдид, ҳимоя ордерининг бузилиши, бирга яшашнинг давом этиши ва жабрланувчининг хавфсиз жойга чиқиб кетиш имконияти чеклангани каби ҳолатлар бевосита профилактик қарорга таъсир қилиши мумкин.

Баҳолаш йўналиши	Эътибор бериладиган ҳолатлар	Профилактик аҳамияти
Аввалги зўравонлик тарихи	Такрорий мурожаатлар, аввалги таҳдид, жисмоний ёки руҳий зўравонлик, такрорий ҳимоя ордери	Хавфнинг бир марталик эмаслигини аниқлаш
Муносабатнинг давом этиши	Бир хонадонда яшаш, ажралиш жараёни, умумий фарзандлар, доимий алоқа	Зўравон шахс билан қайта тўқнашиш эҳтимолини баҳолаш
Қарамлик ҳолати	Иқтисодий, майший ёки турар жойга боғлиқ қарамлик, хавфсиз жойга чиқиб кетиш имконияти	Жабрланувчининг мустақил қарор қабул қилиш имкониятини аниқлаш
Алоҳида ҳимоя эҳтиёжи	Вояга етмаганлик, ҳомиладорлик, ногиронлик, руҳий ёки жисмоний заифлик	Қўшимча ижтимоий, психологик ва тиббий ёрдамни белгилаш
Ҳимоя чораларининг натижаси	Ордер талабларига риоя этилмаслиги, низоининг бартараф этилмагани, янги мурожаат	Ҳимоя режасини қайта кўриб чиқиш ва чораларни кучайтириш

3-жадвал. Такрорий жабрланиш хавфини баҳолашда эътиборга олинishi лозим бўлган асосий ҳолатлар

Бизнингча, такрорий жабрланиш хавфини баҳолашда “ким жабрланди?” деган савол билан чекланиш етарли эмас. “Бу шахс аввал ҳам зўравонликка дуч келганми?”, “Зўравон шахс билан алоқа қай даражада давом этмоқда?”, “Жабрланувчининг хавфсиз жойга чиқиб кетиш ёки мустақил қарор қабул қилиш имконияти борми?”, “Аввалги ҳимоя чораси натижа бердимми?” деган саволларга ҳам жавоб топиш зарур. Ана шу маълумотлар профилактика чорасининг мазмуни ва даражасини белгилашга ёрдам беради.

Зўравон муносабатларнинг давом этиш сабабларини фақат жабрланувчининг шахсий қарори билан изоҳлаш ҳам тўғри эмас. Иқтисодий боғлиқлик, умумий фарзандлар, турар жой масаласи, оила аъзолари босими ва хавфсиз жойнинг мавжуд эмаслиги шахснинг танлов имкониятини чеклаши мумкин. Замонавий иқтисодий тадқиқотларда ҳам зўравон муносабатларни тарқ этиш қарорининг моддий ва институционал омиллар билан боғлиқлиги кўрсатилган [13]. Шу боис жабрланувчининг ҳулқини баҳолашдан кўра, унинг реал имкониятларини кенгайтириш муҳим.

Муҳокама

Олиб борилган таҳлиллар оилавий (майший) зўравонликдан жабрланган шахсларнинг умумлаштирилган статистик тавсифи билан индивидуал хавф баҳоси ўртасида фарқ борлигини кўрсатади. Масалан, аёллар ва 18–49 ёшли шахслар расмий статистикада кўпчиликти ташкил этади. Бироқ, бу белгиларнинг ўзи муайян шахс яна зўравонликка дуч келиши эҳтимолини аниқлаб бермайди. Такрорий хавф аввалги зўравонлик тарихи, муносабатнинг хусусияти, назорат, таҳдид, қарамлик ва ҳимоя чораларининг натижаси каби аниқ ҳолатлар билан боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, виктимологик таҳлилни “жабрланувчининг қайси хусусияти зўравонликка сабаб бўлди?” деган саволга қуриш нотўғри. Тўғри ёндашув “жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлашга қайси ҳолатлар тўсқинлик қилмоқда?” деган саволдан бошланиши керак. С. Walklatенинг замонавий виктимологияга оид ёндашуви ҳам жабрланувчини ҳуқуқ ва ҳимоя эҳтиёжлари мавжуд мустақил субъект сифатида кўришни талаб қилади [5].

Расмий статистиканинг яна бир чеклови – латентлик масаласидир. Оилавий зўравонликнинг барча ҳолатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлмаслиги мумкин. Жабрланувчи оилавий муносабатлар бузилишидан кўркиши, моддий қарамлик, фарзандлар, қариндошлар босими ёки зўравон шахснинг таҳдиди сабаб мурожаат қилмаслиги мумкин. Криминологияда латент жиноятчилик расмий ҳисобга кирмаган, аммо амалда содир этилган ҳуқуқбузарликларни англатади [16]. Виктимологияда эса бундай яширин ҳолатларни аниқлаш профилактика тизимининг муҳим вазифаси ҳисобланади [17].

Ҳимоя ордери институти шу нуқтаи назардан муҳим ҳимоя воситаси ҳисобланади. Бироқ, унинг самарадорлигини фақат берилган ордерлар сони билан баҳолаш чекланган ёндашувдир. Агар ордердан кейин такрорий мурожаат бўлса, янги ордер берилса, унинг муддати узайтирилса ёки низо бартараф этилмаса, бу ҳолатлар хавфнинг сақланиб қолганини кўрсатиши мумкин. Шу сабабли натижадорликни жабрланувчининг кейинги хавфсизлиги, такрорий зўравонликнинг олди олингани ва ҳимоя чорасига риоя этилгани билан баҳолаш мақсадга мувофиқ.

М. Straus томонидан ишлаб чиқилган оилавий низолар ва зўравонликни ўлчаш ёндашувлари оиладаги зиддият ва зўравон ҳулқни эмпирик ўрганиш учун муҳим асос бўлган [10]. Бироқ бугунги

амалиётда фақат содир этилган ҳаракатни қайд этиш етарли эмас. Зўравонликнинг такрорийлиги, кучайиш эҳтимоли, зўравон шахснинг назорат ва таҳдид ҳуқи, жабрланувчининг ҳимоя ресурслари ҳам ҳисобга олиниши керак.

Жабрланувчини ҳимоя қилишда алоҳида тоифаларга нисбатан фарқланган ёндашув талаб этилади. Вояга етмаганлар, ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ёки руҳий-жисмоний ҳолати туфайли ўзини ҳимоя қилиш имконияти чекланган фуқароларга одатий ҳуқуқий чора билан чекланмасдан, ижтимоий, психологик ва тиббий кўмакни ҳам ташкил этиш зарур. Миллий профилактика амалиётига оид тадқиқотларда ҳам бундай комплекс ёндашувнинг аҳамияти қайд этилган [18].

Миллий тадқиқотлар ҳам оиладаги зўравонликни фақат жисмоний тажовуз билан чекламаслик зарурлигини кўрсатади. Ш.Т. Аллашова оилавий-маиший жиноятлар қурбонларининг виктимологик хусусиятларини таҳлил қилар экан, жабрланувчининг оилавий муҳити ва ўзаро муносабатларини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади [19]. Х.Ш. Зиявутдинова эса психологик босим, назорат ва бошқа зўравонлик шакллари аёллар ҳолатига таъсирини таҳлил қилган [20]. Бу ёндашувлар ҳимоя ордери амалиётида ҳам руҳий зўравонликка етарли эътибор қаратиш зарурлигини тасдиқлайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти аёлларга нисбатан зўравонликни жиддий жамоат саломатлиги муаммоси ва инсон ҳуқуқларига тажовуз сифатида баҳолайди [21]. UN Women материалларида ҳам қонунчилик чоралари билан бирга самарали ижро, хизматлардан фойдаланиш имконияти ва жабрланувчининг хавфсизлиги муҳим экани таъкидланади [22]. Шундан келиб чиқиб, миллий амалиётда ҳам “ордер берилди – чора кўрилди” деган формал ёндашувдан “жабрланувчи амалда хавфсизми?” деган натижага йўналтирилган ёндашувга ўтиш зарур.

Хулоса ва тақлифлар

Тадқиқот натижалари оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахсларнинг расмий статистик таркибида аёллар, 18–49 ёшлилар ва оилавий муносабатларда бўлган шахслар улуши юқори эканини кўрсатди. Бироқ, ушбу кўрсаткичлар зўравонликнинг сабаби эмас, балки расмий қайд этилган жабрланувчилар таркибининг хусусиятидир. Такрорий жабрланиш хавфини аниқлаш учун аввалги зўравонлик, такрорий мурожаатлар, ҳимоя ордери натижалари, зўравон шахс билан муносабатнинг

давом этиши, қарамлик ва алоҳида ҳимоя эҳтиёжлари каби ҳолатларни комплекс баҳолаш лозим.

Биринчидан, ҳимоя ордери қўлланилаётганда такрорий жабрланиш хавфини индивидуал баҳолаш тартибини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Бунда фақат охириги зўравонлик ҳолати эмас, аввалги мурожаатлар, илгари берилган ҳимоя ордерлари, уларнинг такрорийлиги, муддати узайтирилгани, зўравон шахс билан бирга яшашнинг давом этаётгани ва жабрланувчининг хавфсиз жойга чиқиш имконияти ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Иккинчидан, ҳимоя ордерининг самарадорлигини берилган ордерлар сони билан эмас, кейинги хавфсизлик натижалари билан баҳолаш зарур. Такрорий мурожаат, такрорий ордер, ордер муддатини узайтириш, ордер талабининг бузилиши ва қайта содир этилган ҳуқуқбузарликлар профилактик натижадорликни баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари бўлиши мумкин.

Учинчидан, вояга етмаганлар, ҳомиладор аёллар, ногиронлиги ёки руҳий-жисмоний ҳолати туфайли ўзини ҳимоя қилиш имконияти чекланган шахсларга нисбатан алоҳида ҳимоя тартибини қўллаш лозим. Ушбу тоифаларга ҳуқуқий чоралар билан бир вақтда психологик, ижтимоий ва зарур ҳолларда тиббий ёрдам кўрсатилиши керак.

Тўртинчидан, ҳимоя ордерларига оид статистик ҳисобни виктимологик таҳлил эҳтиёжларига мослаштириш зарур. Статистикада аввалги мурожаатлар, такрорий ҳимоя ордерлари, ордер муддатини узайтириш сабаблари, зўравонлик тури, жабрланувчининг алоҳида ҳимояга муҳтожлиги ва ордердан кейинги натижа ўзаро боғлиқ ҳолда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахс билан ишлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, маҳалла, психологик ва тиббий хизматлар ўртасида ахборот алмашинуви ва мувофиқлаштирилган ҳаракатни кучайтириш лозим. Бунда асосий мезон ўтказилган тадбирлар сони эмас, жабрланувчининг реал хавфсизлиги ва такрорий зўравонлик хавфининг камайиши бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, виктимологик профилактиканинг мақсади жабрланувчини формал “хавф гуруҳи”га киритиш эмас. Асосий вазифа унинг хавфини барвақт аниқлаш, ҳимоя имкониятларини кучайтириш, зўравонлик такрорланишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этиш ва кейинги хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Mendelsohn B. The Origin of the Doctrine of Victimology. <https://ndi.ethernet.edu.et/bitstream/123456789/87328/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 31.03.2026 йил).
2. Hentig H. von. The Criminal and His Victim: Studies in the Sociobiology of Crime. <https://archive.org/details/in.ernet.dli.2015./page/n263/mod/e/2up> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 31.03.2026 йил).

3. Ниёзова С.С. Виктимность умышленного убийства и вопросы его предупреждения. <https://victimolog.ru/index.php/PVCMs/article/download/569/525/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 31.03.2026 йил).
4. Ниёзова С.С. Huquqbuzarliklarning viktimologik profilaktikasiga oid milliy va ayrim xorijiy davlatlar tajribasi. <https://ccj.tsul.uz/wp-content/uploads/2022/08/Niyozova-Salomat-Saparovna.pdf> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 31.03.2026 йил).

5. Walklate S. Victimology: The Victim and the Criminal Justice Process. – 2007. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=aG07A-YAAAAJ (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 31.03.2026 йил).
6. United Nations. Declaration of Basic Principles of Justice for Victims of Crime and Abuse of Power. <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/declaration-basic-principles-justice-victims-crime-and-abuse> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 09.04.2026 йил).
7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2023–2024 йиллар ва 2025 йилнинг 11 ойига оид жиноятчилик бўйича расмий статистик материаллари.
8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тазйик ва зўравонлик ҳолатлари ҳамда химоя ордерларига оид расмий статистик материаллари.
9. Dutton D.G., Corvo K. Transforming a Flawed Policy: A Call to Revive Psychology and Science in Domestic Violence Research and Practice // Aggression and Violent Behavior. <https://domestic-violence.martinsewell.com/DuttonCorvo2006.pdf> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 31.03.2026 йил).
10. Straus M.A. Measuring Intrafamily Conflict and Violence: The Conflict Tactics (CT) Scales. – P. 75–88. <https://www.jstor.org/stable/351733?origin=crossref> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 31.03.2026 йил).
11. Holt S., Buckley H., Whelan S. The Impact of Exposure to Domestic Violence on Children and Young People: A Review of the Literature. <https://www.sciencedirect.com/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 09.04.2026 йил).
12. Walker L.E. The Battered Woman. Chapters 1–3. <https://archive.org/details/batteredwoman00walk/page/n5/mode/2up> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 09.04.2026 йил).
13. Adams A., Huttunen K., Nix E., Zhang N. The Dynamics of Abusive Relationships // The Quarterly Journal of Economics. <https://academic.oup.com/qje/article/139/4/2135/7720515> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 09.04.2026 йил).
14. Karakurt G., Silver K.E. Emotional Abuse in Intimate Relationships: The Role of Gender and Age. <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC3876290/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 09.04.2026 йил).
15. Dimbuene Z.T., Ahinkorah B.O., Amugsi D.A. Men's Education and Intimate Partner Violence—Beyond the Victim-Oriented Perspective: Evidence from Demographic and Health Surveys in Central Africa. <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC11045122/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 09.04.2026 йил).
16. Гилинский Я.И. Криминология: теория, история, эмпирическая база, социальный контроль. <https://crimescience.ru/wp-content/uploads/2015/08/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 31.03.2026 йил).
17. Квашис В.Е. Основы виктимологии. Проблемы защиты прав потерпевших от преступлений. – М.: NOTABENE, 1999. <https://dokumen.pub/2-y-5893420.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 09.04.2026 йил).
18. Ахмедов И.Б. Хотин-қизларга нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари: Ўқув қўлланма. https://ipkmvd.uz/media/pdf/kitoblar/18-Oquv_qollanma_I.Axmedov.pdf (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 31.03.2026 йил).
19. Аллашова Ш.Т. Виктимологическая характеристика жертв семейно-бытовых преступлений. <https://in-academy.uz/index.php/zdift/article/download/59180/37300/65963> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 31.03.2026 йил).
20. Зиявутдинова Х.Ш. Ўзбек оилаларида аёлларга нисбатан зўравонлик турлари ва унинг ижтимоий-психологик хусусиятлари. <https://cyberleninka.ru/article/n/zbek-oilalarida/pdf> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 31.03.2026 йил).
21. World Health Organization. Violence against women. <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/violence-against-women> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 31.03.2026 йил).
22. UN Women. Facts and figures: Ending violence against women. <https://www.unwomen.org/en/what-we-do/ending-violence-against-women> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 31.03.2026 йил).